

НАВРЎЗ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

*Тилга кираётир ҳар бозда оғоч,
Бинафша атридан йўқотдим ўзим.
Бошимни силаб қўй, дўстим қалдирғоч,
Қайтганинг ишқилиб чинми, Наврўзим!*

Наврўз байрамининг қачон вужудга келгани ҳақида бизгача етиб келган қадимий манбалардан шу нарса кўринадики, у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. Шу маънода Наврўзнинг тарихини 25-30 асрга эга деб тахмин қилиш мумкин.

Наврўз қачон, қандай вужудга келганидан қатъий назар, у ҳар томонлама илмий асосланиб, коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб қабул олинган (Наврўз – «янги кун» деган маънони билдиради). Наврўз эски қуёш календари ҳисобида фарвордин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келган. Буқун «кичик Наврўз» деб аталган ва бу кундан бошлаб табиатдаги ҳамма нарса амалга киради, деб ҳисобланган.

Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли китобида қимматли маълумотлар бериб, унда кичик байрам фарвордин ойининг олтинчи кунигача давом этганини таъкидлаган. Демак, фарвордин ойининг олтинчи куни «Катта Наврўз»нинг моҳиятини бевосита табиат билан боғлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: «...У бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган». Бу фикрлар Наврўзнинг қадимдан табиат ва баҳор байрами бўлганини яна бир қарра исботлайди. Бироқ, тарихда Наврўзнинг мазмунини турлича талқин қилиб, баъзилар уни тараккий эттиришга, бошқалар эса уни таъқиқлашга ҳаракат қилишди. Жумладан, грек-македон ва араб истилоси даврларида Наврўз таъқиқланиб, у подшо саройларида, амалдорлар ва дин аҳли давраларида расмий байрам ҳисобланмаган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Наврўз ўтмишдаги ҳар бир синфий жамиятда подшолар ҳукмдорлиги, диний идеология таъсирида шаклан ўзгариб турса-да, у ўзининг асосий моҳиятини сақлаб қолди. У ҳақиқий халқ байрами бўлиб, меҳнат аҳли орасида катта тантаналар билан нишонланган.

Бинобарин, қадимдан халқда байрамни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган.

Исломгача бўлган Наврўзда оддий халққа тегишли бўлган одатлар ҳам диққатга сазовордир. Байрам куни одамлар бир-бирига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиш (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода), бир-

бирига сув сепиш (бу йил сув кўп бўлсин, ҳосил яхши бўлсин деган маънода) ва бошқа одатлар кенг тарқалган. Кейинги асрларда эса ҳовли-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар экиш, ота-она, ёру дўстларни зиёрат қилиш, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби одатлар Наврўз байрамининг таркибий қисмига айланган.

**Қорлар эриб, дарё сувга тўлиқ бўлсин,
Дон-дун экиб, хирмонлари бўлиқ бўлсин.
Кўй кўпайиб, даштда чўпон-чўлик бўлсин,
Кел, баҳорим, ўшал кунни соғинганман.**

**Қачонлардир урушганлар апоқ-чапоқ,
Ёвлашганлар бу кун хатто уймас қовоқ.
Етим-есир, ночорлардан хабардор гоҳ,
Халқим, азал оқибатинг соғинганман.**

Маълумки, ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудининг турли жойларида Наврўз ўзига хос усулларда уюштирилган. Уни нишонлаш вақти уч кундан тортиб то 15 кунгача чўзилган. Масалан, Хоразмда Наврўздан олдин жойларда махсус йиғин бўлиб, унда байрам раиси тайинланган, тантаналар, томошалар, сайиллар ўтказиш тартиблари ҳақида сўз борган.

Наврўз одатда бозор қошидаги жойларда, катта майдонларда, шаҳар чеккаларидаги сайилгоҳларда уюштирилган. Одатда, байрамнинг биринчи куни қуйидагича бўлган: эрталаб байрам бошлангандан кейин, кун ўртасида мусиқачилар, кўшиқчилар ва бошқа санъаткорларнинг ижролари, кечки пайт эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган.

Наврўзнинг томоша ва мусобақалари кун сайин авжга чиқа бошлаган. Ҳар хил мусобақалар: кураш, кўпкари (улоқ), пойга байрамнинг кўрки бўлган.

**Шукронаким, Наврўзимни топдим зўрға,
Мерос дея йигитлари минса йўрға.
Кўпкарида от минсалар ким ўзарға,
Ўшал мерос от дупурин соғинганман.**

Наврўзнинг жуда катта, буюк тарбиявий хусусиятлари, одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатларини ҳам таъкидламоқ лозим. Наврўз кунлари бутун халқ хушчақчақлик билан ҳордиқ чиқарган. Бу байрам нафақат хурсандчилик, кулгу, хушчақчақлик билан чегараланади, айни пайтда байрам олди ва ундан кейинги кунларда кишилар ўз юмуш ва тадбирларини ҳам режалаштириб олганлар, унга умид боғлаганлар. Қачон ер ҳайдаб, чигит қадаш, суғориш ҳақида келишиб-кенгашлар ўтказилган.

Наврўз – халқимизнинг яратувчанлик меҳнати билан боғлиқ, унинг орзу-умидларини қуйлаган, турмуш тарзи, маънавияти миллий руҳини халқ ижоди, усули ва услублари ёрдамида тараннум этган, халқимизнинг бой миллий санъатини, урф-одатларини ўзида сақлаган байрамдир. У ёшларни одамийлик, дўстлик, ўзгаларга ҳамдард бўлиш, меҳрибонлик, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

Наврўз байналмилал байрамдир. Бу байрамни биз билан бир қаторда Эрон,

Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон халқлари ҳам нишонлайдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутаётган бир пайтда диёримиз қўшни мамлакатлар билан маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлаб бормоқда. Бу байрам ҳам эзгулик, адолат, инсонга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, халқлар ўртасида биродарлик ва бирдамликни, меҳр-оқибатни янада кучайтиришга даъват қилади.

**Бу яшил оламга ўзинг бер тўзим,
Шафтоли гулидай ёришар юзим.
Оқ бодом гулини ўпганинг ростми,
Келганлигинг чинми, қадим Наврўзим?!**

Наврўз кунлари катта бозорлар (савдо-сотиклар) ташкил этилган ва энг ширин таомлар тайёрланган. Одатдаги (палов, шўрва, кабоб каби) овқатлардан ташқари дўлма, ялпиз, кўк пиёз ва бошқа кўкатлар солинган махсус таомлар пиширилган. Наврўз таомлари орасида сумалак алоҳида ўрин тутган. Чунки сумалакни алоҳида тайёрлашнинг ўзи махсус маросим сифатида шаклланиб, Наврўз байрамининг муҳим қисмларидан бирига айланиб кетган.

«Сумалак сайли» (ёки «Сумалак базми») Наврўзнинг «шоҳона таоми» — сумалак тайёрлаш, сумалакхўрликка бағишланган маросимдир.

Олимларимиз келтирган манбаларга кура, «Сумалак» сўзининг маъноси, бу ғаройиб таомни тайёрлаш удуми узига хос тарихий булиб, бу хақида улуғ олим Маҳмуд Қошғарий «Девони луғотит-турк», яъни «Туркий сўзлар девони» китобида сумалак хусусида шундай изоҳ беради:

«Сумма» ивителиган буғдой номи. Уни қуришиб туйилади. Сўнг ундан угра оши ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган ундирилган арпа учун ҳам бу қўлланилади».

Демак, «сумалак» ивителиган буғдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий калом – «сума»дан келиб чиққан. Сумалак пишириш удуми эса Ўрта Осиёда яшаган қадимги туркий қавмлар орасида азалдан кенг расм бўлган.

Умар Хайём ўзининг шоҳ асари «Наврўзнома»да сумалак ҳақида мана бундай изоҳ беради: **«Сумалак баҳорнинг улуғ ва тансиқ таомидир. Менга ривоят айламишларким, Ҳисравнинг отаси Хормуз арпа ўсиб ётган экинзор олдида ўтиб кетаётган экан. Арпага қўйилган сув экинзордан тошиб, йўлга оқар экан. Фарвардан ойи экан. Хормуз, «Арпа омонлик дони, унинг кўкати яхши кўкат» деб ичмоқ учун сувдан бир кўза тўлдириб олишга фармон қилди. Арпа орқали ўтган ёки ундан чиққан сув чарчокни тарқатиб, меъда касалликларини даволайди. Бу сувни ким ичса, у янги йил арпа пишиғига касалликлардан муҳофаза қилинган бўлади. Эронликлар, туронликлар ҳам арпа экишнинг урдасидан чиқадилар. Арпа сумалак пиширилган илк кўкатдир.**

Абу Муслум жунбушидан кейин туронликлар Наврўзни қайта ўз шодиёналарига айлангирдилар. Шайхларнинг эътирозига Муҳаммад алайҳиссалом «Арпа уни тансиқ таомдир, танангизда қувват камайган чоғда уни кўпроқ танаввул қилинглари», деган ҳадиси билан жавоб беради. Боиси, арпа уни ёки кўкатлардан тайёрланган таомлар алломалар ва сўфийларнинг энг хуш кўрган таомидир».

Сумалакни асосан аёллар тайёрлаб, улар иш жараёнида суҳбатда бўлишган, ҳикоя, эртақ ва ривоятлар айтишган. Вақти келганда ўйин-кулгу қилишган. Сумалак тайёр бўлгач, уни пиширишда қатнашганлар ва маҳалла аҳли сумалакхўрлик қилиш учун «сумалак сайли»га таклиф этилганлар, сумалак сайли иштирокчилари чилдирма (доира) чалиб, рақсга тушиб, хурсандчилик қилишган. Сайил ҳазил-мутойиба, ўйин-кулгу билан ўтган. Асрлар оша нишонланиб келинаётган «сумалак сайли» ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликка чорлайди.

**Момоларим пиширсалар гар сумалак,
Ўйин-кулгу шодликлардан тўлса фалак.
То тонггача ўтин ташиб жоним ҳалак
Бўлса-бўлсин, сумалакни соғинганман.
Сумалагим тарихи зўр, бу «си-малак»,
Ковлар экан ғайбдан келган ўттиз малак.
Ниятларинг ижоб бўлар айтсанг тилак –
Момом айтган пок тилакни соғинганман!**

Наврўз – бу янги қишлоқ хўжалик меҳнат мавсумининг бошланишига бағишланган байрам, шу сабабли кўп жойларда у дала ишлари бошлангунга қадар давом этган. «Наврўз»нинг сўнгги кунда деҳқонларнинг далага кўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросими ўтказилган. Бу маросим ҳар жойда турлича: «экиш сайли», «Кўш оши», «Кўш чиқариш» («Кўш – мой») деб номланган, Мазкур анъанадан ижобий фойдаланиш натижасида ҳозирги даврда республикамизнинг кўп жойларида пахтакорларнинг меҳнат мавсумини бошлайдиган – «Чигит қадаш» каби маросимнинг янги замонавий шакли вужудга келган.

**Офтоб эмиб, мушт кўтариб чигит унса,
Толёғочда юрган болам йигит бўлса.
Ийд Наврўз янги кунда бахти кулса,
Янги йилим, янги изинг соғинганман.
Деҳқон бобо ишин етмас адоғига,
Кўли етмас Ойбарчиннинг балдоғига.
Жоним садқа бобом қўлин қадоғига,
Деҳқонимга яхши кунни соғинганман.**

«Баҳорой» ҳамма ерда Наврўзнинг рамзий образларини гавдалантирувчи байрамнинг асосий қаҳрамони ҳисобланади. Одатда Наврўз Баҳоройнинг ўз дугоналари билан аҳоли яшайдиган кўчаларни карнай-сурнай садолари жўрлигида айланиши билан бошланади. Баҳорой қишлоқ ёки маҳаллаларнинг

марказий майдонларида тўхтаб, аҳолини ўлкага баҳор кириб келгани билан табриклайди. Шунингдек, жойларда ўйин-кулгулар уюштирилади, ҳаммани Наврўз байрами тантаналарига таклиф қилади.

Байрамнинг иккинчи қисми маданият ва истироҳат боғларида байрам қатнашчиларининг Баҳорой, Пахтаой ва унинг дугоналарини тантанали кутиб олиши билан бошланади. Сўнг улар безатилган минбарга таклиф этиладилар. Баҳорой байрам қатнашчиларига шодлик, дўстлик ва ободончиликка оид учта шарт айтади. Сўзининг ниҳоясида тураржойлар яшил, обод, гўзал ва куркам бўлиши учун ҳар бир кишини биттадан дарахт кўчати экишга чорлайди ва ўзи биринчилар қаторида белгиланган жойга ниҳолни экади. Сўнгра, бошқалар ҳам навбати билан турли дарахт кўчати ўтказадилар.

Тантананинг учинчи қисмида баҳор, янги ҳосил йили бошланишига бағишланган дастур, оммавий томоша намойиш қилинади. Базм уюштирилади. Бунинг учун сахна байрамга мос қилиб безатилади ва унинг теварагига стол-стуллар қўйилади.

Байрамнинг театрлаштирилган дастуридан баҳорга бағишланган ўйинлар, меҳнаткашларни руҳлантирувчи турли мушоиралар, қувноқ кўшиқлар ва рақслар, драматик асарлардан лавҳалар, аския ва интермедиялар ўрин олади.

Наврўз байрамининг тўртинчи қисмида оммавий сайиллар, халқ ўйинлари (кураш, отчопар ўйинлари, шахмат, шашка ва ярмаркалар) ташкил этилади. У табиат қўйнида ўтказилса, янада мақсадга мувофиқдир.

**Яна баҳор келди, яна оламда
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт,
Мен сени қутлайман, шу улуғ дамда,
Улуғ елкадошим, музаффар хаёт...**

**Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним,
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!**

Ҳа, Наврўз ҳар йили юртимизга ризқ-рўз, тинчлик, омонлик, бахту иқбол, қут-барака олиб келмоқда. Наврўз ўзининг ана шу эзгу хислатлари билан барча ёшларни ҳар томонлама баркамол, маънавий етук, ватанпарвар, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда улкан омил ҳисобланади. Чунки аждодларимиз мероси бўлган Наврўз эндиликда йилдан-йилга янада такомиллашиб бормоқда. Унинг тарбиявий куч-қудрати янада кенгаймоқда. Демак, Наврўз баркамол, комил инсонни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий ахлоқий негизларидан бири – умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир. Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат

ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга кириб боради ва сингади. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради, Маънавият ўз халқининг тарихи, унинг маданияти ва қадриятларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг ҳам келажаги бўлмайди.

Маънавият инсонга ҳаво ва сувдек зарур. Инсон неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Маънавиятнинг маъноси кенг бўлиб, у тарих, маданият, ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилари, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик қабиладарни ўз ичига олади.

Зеро, Президентимиз «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарларида таъкидлаганларидек:

«Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам-шаркона янги йил булмиш Навруз айёми мисолида айниқса, ёркин намоён булади.

Барчамиз доимо орзиқиб кутадиغان ва катта хурсандчилик, шодиёна билан утказадиган Навруз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, қуп минг йиллик миллий киёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси булиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, янгилик ва эзгулик тимсоли булган Навруз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик меҳр-окибат, мурувват ва ҳиммат қаби юксак хусусиятлардан озикланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоёлардан баҳраманд булиб маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато булмайди».

Дарҳақиқат, Наврўз – ўзбек ва шарқ халқларининг маънавий қадриятлар байрами – мерос бўлиб, у ўқувчи ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, дўстлик, меҳр-окибат, эзгулик, адолат, тинчлик руҳида тарбиялашдаги бойлик ва буюк ҳазинамиздир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бера бошлади. Аввало бу аҳолининг тарихан узоқ – миллий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари, урф-одатлари, маънавиятидан келиб чиқаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз мавқеини топаётгани ҳам шундан. Катталарга ҳурмат, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдардлик, ўзаро ёрдам туйғуси мамлакатимиз фуқароларига

хосдир. Маъанавиятимизни шакллантиришда бу фазилатларни ёш авлод онгига, уларнинг тарбиясига тобора сингдириб бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Ўрта Осиё, умуман Шарқ халқлари мутафаккирларининг илмий ва бадиий ижодида Наврўзга катта эътибор берилган. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гул ва Наврўз» достонида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида Наврўз бу – оламнинг хуррамликка юз тутиши, чаманлар чиройи жаннатдан нишон беришини тасвир этади. «Ошиқлар тумори» асарида Наврўз байрамининг латофати куйланади.

1990 йилдан бошлаб республикамизда Наврўз байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. У юртимизда яшовчи барча миллат, элатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи байрам сифатида нишонланади.

Бу тадбирлар барчаси Наврўз байрамининг барча таълим-тарбия масканларида, оила даврасида, маҳалла, вилоят ва республика миқёсида ташкилий равишда ўтказилишига қаратилгандир.

Шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида тарқалган ва бугунги кунгача етиб келган анъаналар, байрамлар, расм-русумлар, одатлар, удумларнинг ҳар бири ўзига хос одобномадир. Чунки, улар бошдан-оёқ халқ педагогикаси анъаналари, халқ одобномаси, ибратномаси билан йўғрилган.

Хўш, Наврўзнинг маърифий, ахлоқий, тарбиявий воситалари нималардан иборат?

Авалло, Наврўз меҳнат, хунар-касб, ҳамкорлик, дўст-биродарлик, ўртоқлик, инсонийлик, тантилик, билимдонлик, зукколик, топқирлик, юртсеварлик, тўғрилиқ, яхшилик, ҳалоллик, адолат, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, кадр-қиммат, тозалик, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик маданияти, ҳайвонлари, паррандалар, ер, сув, табиатга муносабат, инсонга муҳаббат каби умумбашарий қадриятлар асосида қурилган, уларни тарғиб-ташвиқ қилган халқона байрамдир. Бошқача айтганда, мазкур байрамда халқ донишмандлигию педагогик анъаналари, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, фалсафий, маиший ҳаёти ва дунёқараши, асрлар давомида тўпланган, қўлга киритган тажрибалари кўз-кўз қилинади. Халқ ўйинлари, жисмоний тарбияга оид қарашлари, ютуқ-тажрибалари намоён бўлади. Булар нималарда, қандай анъаналар, воситалар, методлар, йўллар орқали амалга оширилган?

Ўзбек болалар миллий ўйинлари: (улардан бир қисми умумтуркий болалар халқ ўйинлари бўлиб, бутун Шарқ шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган) **кураш, от ўйини, ёғоч ўйини, кўпқари, пойга, узокқа тош ирғитиш, чиллак зувиллатар, «зув-зув», совунланган хомага чиқиш, ошиқ соққа, бекинмачок, қулоқ чўзма, каптарбозлик, қушбозлик, варрак, бўри-бўри, пошшо-вазир, қўчқор уриштириш, хўроз уриштириш, тухум уриштириш, дўппи отиш, ланка, ҳаққалама-дукқалама, ариқ қазиди, девор урди, қуш ҳайдаш, тойчоқ-тойчоқ, сочпопук, тўй-тўй, келин-куёв, оқизоқ-оқизоқ, меҳмон-меҳмон, қўзи-қўзи, арқон-арқон, сугир соғди, жуфтми-тоқ, лой-лой, парсилдоқ, оқ теракми-кўк терак, боғбон-боғбон, кўчат экди, Ё рамазон, деҳқон-**

дехқон, данак ўйини (жуфтми ток), қовун-қовун, овуш, мол сўйди, тўптош, ким олади шугинаниё, варрак, лайлак-лайлак, чўп ўйин, қўғирчоқ ўйин, ёғоч от ўйини, туя-туя, эчки-эчки, эшак минди, даста ўйин, қора-қуш, ғиди-ғиди, тарс-турс, халфана-халфана... Рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Хуллас, ўзбек халқ миллий болалар ўйинларининг ҳар бири бир олам, ахлоқ-одоб бобида, жисмоний чиниқиш, камолот соҳасида ибратли воситалардандир. Диққатга сазовор томони шундаки, спорт ва жисмоний етуклик билан боғлиқ ўйинлар соф ўйин ҳолатида, айна дамда соз, сўз ва рақс билан биргаликда ижро этилган.

Димокқа ялпизлар нафаси урар,
Юракда муаттар чечаклар кулар,
Бир сулув келинчак саломга келар –
Остонага бош ур, азиз меҳмоним!
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!

Қишнинг аёзли, қор-ёмғирли кунларидан сўнг ҳавонинг исиб кетиши, кўм-кўк майсазорларда эркин ўйинлар, жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ машқларга ташналик Наврўздаги болалар халқ ўйинларига хос хусусиятларни белгилайди. Улар нималардан иборат?

Биринчидан мазкур ўйинлар очик ҳавода, кенг майдонда ўтказилган, иккинчидан, ўйинлар хатти-ҳаракатлар, куй-қўшиқлар билан ҳамкорликда ўтган; учинчидан, ҳар қачонгидек чакқонлик, эпчиллик, тезкорлик, зукколик, бардошлилик, кучлиликка эътибор қаратилган; тўртинчидан, ўйинларда ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами, табиат саховатига алоҳида аҳамият берилган.

Наврўз болалар ўйинлари ҳам ҳар бир маҳалла, овул, қишлоқ, даҳа ёхуд туманнинг ўзида мустақил тарзда қатнашчиларнинг хоҳиш-иродасига кўра ташкил қилинган. Бир маҳалладаги ўйинлар иккинчисига, иккинчи овулдаги учинчисига тўғри келиши шарт бўлмаган. Ўйинларни ташкил этиш жой билан боғлиқдир. Масалан, уларнинг кўпчилигини шаҳар муҳитида қўллаб бўлмайди. Шу боис маҳалла, қишлоқ, туман, вилоят ўз имконият, турмуш тарзи шарт-шароитларидан келиб чиқиб, Наврўзнинг бошқа ўйинлари каби болалар ўйинларини ҳам ташкил қилмоқлари лозим.

Юртим, кўклаётган далаларингда
Сумалакнинг хуштаъм бўйлари сезар,
Гўдакларга айтган аллаларингда
Момоларинг қадим куйлари кезар,
Эртадан умидвор боши осмоним,
Бошинг омон бўлсин, Ўзбекистоним!

Айтайлик, қишлоқда Наврўз тантаналари бошланди. Ҳамма ёқда карнай,

сурнай, доира овозлари. Чор-атрофда кўкатлар, бойчечаклар... Сумалак учун тараддуд кўрилаётир. Қишлоқда бунинг учун ўрталикдан кенг жой танланади. Жой танлаб, ўчоқ қазишу, ўтин ёришдан наврўзга хос болалар ўйинлари, жисмоний қобилият баҳслари ҳам ажойиб бир кўтаринки, байрамона ҳолатларда бошланади. Ўчоқ қазиш, ўтин тайёрлаш, куракчаларда чопиш шартлари билан ўсмирлару болаларнинг эпчиллиги, куч-қуввати, зарб маҳорати синовдан ўта бошлайди. Ёки қозон атрофига ўралашаётган, бўш турган болага «Эшмат, Тошмат билан олишолмайсанми, кел, ота ўғил, бир курашга туш-чи», деб уларга ёқа ушлатиш билан кураш бошланиб кетади. Қулоқчўзма учун танга ташланади. Курашга-кураш, беллашувга-беллашув, ўйин кулгига-ўйин кулги кўшилиб кетади. Қийкириқлар, ҳаяжонлар, олқишлар, дуолар, мадҳиялар... Сумалак тун бўйи пиширилиши сабабли ўйин-кулги, қий-чув, шовқин-сурон ҳам бутун тун давом этади...

Ҳар бир ўйин ёки жисмоний баҳсда, албатта, инсон камолоти, соғлом ўсиши, бақувват бўлиши учун машқ, яна машқ лозимлиги уқтирилади.

Демак, Наврўз маънавият, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, меҳнат, шодлик, саломатлик байрами бўлиши билан бирга халқ одобномасидир. Шу боис, у ҳам тарихий, ҳам навқирондир.

Хазрат Навоий баҳор фаслининг яратувчилик қудрати, баҳор ёмғирининг ҳаётбахш фазилати ҳақида шундай сўз юритади:

Чамани баҳри латофат бўлди майсон дурлари бир

Қизил толдек муҳайё қилди ҳар ён шоҳи маржоним.

Баҳор фасли, Наврўз айёми, гуллар чамани инсонларга куч-ғайрат, кўтаринки кайфият бағишлайди, янги-янги орзу-умидлар, завқу-шавқ улашади, дейди Алишер Навоий.

Навоий Наврўз, баҳор, гул мавсумини инсонлар бахту саодати, хурсандчилик билан бирга кўшиб куйлаган.

Мувофиқ кийдилар – бўлмиш магар наврўз ила байрам,

Чаман сарви яшил хилъват менинг сарвиравоним ҳам.

Демак, Наврўз гул, шодлик, дўстлик, меҳнат, шунингдек, яшариш, янгиланиш, покланиш, тозариш, бойчечак ифоридек хушбуй, шафтоли гулидек гузал байрамдир.

Халқ тарихининг бир таркибий қисми бўлмиш миллий урф-одатлар байрами Наврўз ҳозирги кунда кўп миллатли Ўзбекистон халқлари дўстлиги мустақиллигини таъминлаш, Ватаннинг бахт, саодат, равнақи учун хизмат қилади.

Тупроқни уйғотиб майса чўзди бўй,

Табиат келиндек бунчалар хушрўй,

Баҳор кунларида ҳар бир кунинг тўй,

Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!

Бош узра қуёш ҳам қилади ханда,

Мунис бир туйғулар меҳмондир танда.

Истиклол шамоли эсгай Ватанда,

Халқим, бу кун сенга Наврўз муборак!

НАВРЎЗ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН УДУМЛАР, АНЪАНАЛАР ВА РАСМ-РУСУМЛАРДАН НАМУНАЛАР

Наврўз куни туғилган боланинг исмини Наврўз қўйишган. Наврўз куни одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йигитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.

Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз куни яраштириб қўйишган.

Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.

Наврўз дастурхонига 7 хил дарахт баргидан намуна келтириб қўйилади. Улар: мажнунтол, зайтун, беҳи, анор, бодом, писта, ёнғоқлар. Шулар қаторида қатик, сут, пишлоқ, тухум, балиқ ва ёниб турган шамлар ҳам қўйилган!

Сумалак тагига олмасин учун қозонга етти ёки ўн уч дона тош ташлаб қўйилади.

Наврўз куни бўй етган қизлар бир жойга тўпланишиб, чиройли гулчамбарлар ясашади. Булоқдан кўзаларга сув олиб келиб, ичига узук, исирға, танга ташлашган. Кейин кўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқазиб олинган нишонлар бахт рамзи деб ҳисобланган.

ЁР-ЁР

Тахта-тахта кўприк тахтинг бўлсин, ёр-ёр,
Он ҳазратим қизларидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Он ҳазратим қизларини Али олган, ёр-ёр,
Ёр-ёр айтиб қиз бермаклик андин қолган, ёр-ёр.
Йиғлама, қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр,
Қоматлари келишган ёр сеники, ёр-ёр.
Қат-қатина қатлама қатланади, ёр-ёр,
Қизни олиб янгалари отланадир, ёр-ёр.
Қизни олиб янгалари тура турсин, ёр-ёр.
Қиёматли оталари рози бўлсин, ёр-ёр,
Оқ сут берган оналари рози бўлсин, ёр-ёр.

КЕЛИН САЛОМ

1-аёл: Баланд-пастни бор қилган,
Икки ҳурни бир қилган,
Аввало худога салом.

2-аёл: Ризқ бўлсин деб дон берган,
Умматим деб жон берган,
Пайғамбаримизга бир салом.

1-аёл: Оппоқ уннинг урпоғи,
Охиратнинг тупроғи,
Ўтган азизларга бир салом.

2-аёл: Оқ салласини ўраган,
Охиратини сўраган,
Катта бувасига бир салом.

1-аёл: Тўрда гилам тўқиган,
Беш вақт номозини ўқиган.
Катта бувасига бир салом.

2-аёл: Этигининг қўнжи йўқ,
Уйда ўтирса тинчи йўқ,
Қайнатасига бир салом.

1 -аёл: Угра кесиб эринган,
Ўғил туғиб керилган
Қайнонасига бир салом.

2-аёл: Элу юртнинг тўраси,
Йигитларнинг сараси –
Куёвтўрага бир салом.

1-аёл: Қўчқорларни сўйдирган,
Элу юртни тўйдирган,
Вакил отага бир салом.

2-аёл: Бўйи басти чинордай,
Икки бети анордай,
Амакисига бир салом.

1-аёл: Меҳмон келса хуш деган,
Меҳмонхона бўш деган,
Холасига бир салом.

2-аёл: Этиклари пошнади,
Юрган йўли ошнади,
Поччасига бир салом.

1-аёл: Осмондаги юлдуздай,
Қоши-қўзи қундуздай,
Янгасига бир салом.

2-аёл: Катта қозон қопқоғи,

Хотинларнинг оппоғи,
Аммасига бир салом.

1-аёл: Қозонда сутни тоширган,
Гап топса элдан оширган,
Опаларига бир салом.

1-аёл: Томдан ўтин ташлаган,
Энсасини қашлаган,
Қайноғасига бир салом.

2-аёл: Уйга кирса сирдоши,
Йўлга тушса йўлдоши,
Қайнсинглисига бир салом.

1-аёл: Илиб қўйган ичақдай,
Чархлаб қўйган пичоқдай,
Ошпазига бир салом.

2-аёл: Кўйлагини ямаган,
Ҳамма тўйдан қолмаган,
Момоларига бир салом.

1-аёл: Оёғида маҳсиси,
Кампирларнинг яхшиси,
Кайвонига бир салом.

2-аёл: Очилиб турган гулдай,
Сайраб турган булбулдай,
Жиянларига бир салом.

1-аёл: Тилла узук кўзидаи,
Ширмон ноннинг юзидаи,
Сингилларига бир салом.

2-аёл: Эшик очиб қараган,
Тўй қачон деб сўраган.
Қўшниларига бир салом.

1-аёл: Бўйнимдаги маржоним,
Тўкилиб адо бўлди,
Айланай, ёру дўстлар,
Саломим адо бўлди.

Шунингдек, кадимдан Наврузи оламда боболаримиз ва момоларимиз томонидан турли кушиқлар куйланган-ки, бу бугунги кунда бизнинг бебаҳо

тарихимиз ва меросимизга, калб мулкимизга айланиб колган. Жумладан:
Навруз байрамида куйланадиган халкона кушикларимиз:

ЖАРЧИЛАР ҚЎШИҒИ

*Бор-ҳо,
Кел-ҳо,
Ҳамалим, ҳа-ҳа,
Амалим, ҳа-ҳа,
Сайл бу ёгда,
Ўтирма уйда,
Ўйнагани кел,
Бўйлагани кел,
Кулишгани кел.
Тўлишгани кел.
Беллашгани кел,
Эллашгани кел.
Келмасанг ҳам кел.
Кел-о-ооо...
Э-о-ооо...*

*Отда чопиб кел,
Жиянни топиб кел,
Қувнашгани кел,
Қувлашгани кел,
Келмасанг ҳам
Кел- о- ооо...
Ҳамалим, ҳа-ҳа
Амалим ҳа- ҳа.
Бугдой тўлсин уйингга,
Бўй қўшилсин бўйингга.
Сайл бунда
Ўтирма уйда
Диллашгани кел,
Сирлашгани кел,
Келмасанг ҳам кел-ооооо...
Эл-о-ооо ...*

НАВРЎЗ ҚЎШИҒИ

*Наврўз келди, кўрайин,
Қизил гуллар терайин.
Қизил гулга ярашган
Бўйдош олиб берайин.
Қизил-қизил қиялар,*

Қинғир ишда уялар.
Қадрин билмас нодонлар
Қизил гул деб куярлар.
Ҳаво ёғди, дим бўлди,
Эшик очган ким бўлди?
Наврўз дея оламга
Бағрин очган ким бўлди?
Эй кўзлар, қаро кўзлар,
Осмондаги юлдузлар.
Тошларга ҳам тил битди,
Келаётир наврўзлар.
Нур ёғсин қошингиздан,
Ҳам тоғу тошингиздан.
Ҳумо қушлар айлансин
То абад бошингиздан.

НАВРЎЗ ЁР-ЁРИ

Гул Наврўз этагида
Ҳалинчак бор, ёр, ёр,
Ҳалинчакнинг бошида
Келинчак бор, ёр, ёр
Келинчакнинг қошлари
Камон экан ёр, ёр,
Ошиқларнинг бахти кулган,
Замон экан, ёр, ёр,
Дошқозонда сумалак,
Кавлайман-о, ёр, ёр,
Севганимнинг кўнглини
Овлайман-о, ёр, ёр.
Келинчакнинг рўмоли
Шойи экан, ёр, ёр,
Мафтун қилган қошлари
Ёйли экан, ёр, ёр.
Келинчакнинг йўлига
Гуллар сочай, ёр, ёр,
Дугонамга кўнглимни
Бугун очай, ёр, ёр,
Шундай олам мунаввар
Бўлғусидир, ёр, ёр.
Дугоналар муродига
Етгусидир, ёр, ёр.

ЛАҚАШИҚИЛДОҚ
(Халқ кўшиғи)

*Аравада онаси,
Лақашиқилдоқ,
Кажавада боласи,
Лақашиқилдоқ.
Эл оғаси Болтавой,
Лақашиқилдоқ,
Салласи бошида сават,
Лақашиқилдоқ.*

*Бойбува жуда таннти,
Лақашиқилдоқ.
Бойбуванинг қизлари,
Лақашиқилдоқ.
Ғўрага кўнгли кетар,
Лақашиқилдоқ.*

*От қочирдим олисдан,
Лақашиқилдоқ
Ёпқирлари кумушдан,
Лақашиқилдоқ
Сумалак еб бой бува,
Лақашиқилдоқ.
Бош кўтармас болшидан,
Лақашиқилдоқ.*

*Ҳовлидаги ҳандалак,
Лақашиқилдоқ,
Банд (ин) бериб пишибди,
Лақашиқилдоқ.
Ҳеч кимга ё егизмай,
Лақашиқилдоқ,
Бари ичи тушибди,
Лақашиқилдоқ.*

*Ёрилсин боғлаб посоқ,
Лақашиқилдоқ.
Арава келар ларзон,
Лақашиқилдоқ.*

*Ичида моли арзон,
Лақашиқилдоқ.
Наврўз келди элимга,
Лақашиқилдоқ,
Севинч тўлар дилимга,
Лақашиқилдоқ.*